O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 8-iyul • Seshanba • 82 (27.887) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етишда бизнинг ИШОНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗ бўлган жондан азиз фарзандларимизга янада кенгроқ йўл очиб бериш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этаётганини бугунги кунда барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз».





«СЕНГА ТЕНГДОШМАН, МУСТАҚИЛЛИК!»

Вақтнинг югуриклигини қаранг. Ватанимиз энди мустақилликка қадам қўйганида туғилган фарзандларимиз бугун 17 ёшни қаршилаб, катта ҳаёт йўлига қадам қўйиш арафасида турибди. Шу кунларда барча ўрта мактаб ва лицейларни битираётган ўғил-қизларни тинч, барқарор ва ҳур замин бағрида улғайган чечаклар — мустақиллик меваларига қиёсласак бўлади. Зеро, бугуннинг қалдирғочлари, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар Президентимиз таъбири билан айтганда «доно, билимли ва бахтли»дирлар.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов номли академик лицейда ҳам битирувчиларга диплом шаҳодатномасини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Жамила Мирзаева, лицейнинг тарих ўқитувчиси:

— Лицей базасида ҳамма фанларни юқори талабларга жавоб берган ҳолда ўқитиш йўлга қўйилган. Шу сабаб ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 88 фоизни ташкил этади. Бугун икки юздан ортиқ ўқувчиларимиз диплом олиш бахтига муяссар бўлмоқда. Битирувчилардан умидимиз катта. Айниқса, бу йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани улар зиммасига катта масъулият юклайди. Ўтган йил битирувчиларнинг 50 фоизидан ортиғи олий ўқув юртига кирган бўлса, бу йил бу кўрсаткич яна ошади, деган умиддамиз. Чунки ҳар ойда битирувчилар ўртасида компьютер синовларини ўтказамиз ва ўқувчиларга касб танлаш бўйича амалий тавсиялар берамиз.

Ҳилола Насруллаева, битирувчи:

— Бу даргоҳга довруғли Миллий университетда ўқиш ниятида кирганман. Насиб этса, ана шу қутлуғ орзуим амалга ошишига саноқли кунлар қолди. Энг қувончлиси, мен минг асрлардан бери аждодларимиз интиқиб кутган неъмат — истиқлолга тенгдош бўлиб яшаётганимдан бениҳоя бахтиёрман.

Зуҳра Бегимқулова, битирувчи:

— Ўзим учун қадрдон бўлиб қолган лицейда нафақат билим, тарбия олдим, балки ўз ҳаёт йўлимни топмоқ учун пойдевор қўйилганидан бениҳоя мамнунман. Мен шу даргоҳда мустақиллик шарофати билан ўзлигимизни англаганимиз дунёнинг барча бойликлари ичида энг катта бойлик эканини тушундим. Ҳуррият туфайли кенг имкониятлар ва ғамхўрлик эшиклари очилгани бизнинг энг бахтиёр авлод эканимиздан далолатдир.

Насиба Нарзиқулова, ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов номли академик лицей директори:

— Лицейимизда тўртта йўналиш бўйича ўқитиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Физика, кимё, биология лабораториялари, лингафон хоналари бор. Иқтидорли ўқувчиларни саралаб ўқишга қабул қиламиз ва бу йилги битирувчиларнинг деярли 100 фоизи олий ўқув юртига кириш истагини билдирди. Энг муҳими, бизда ўқитувчиларнинг вакант лавозими бўлмайди. Бу эса устозлар малака оширганида ҳам ўқув жараёни узлуксиз давом этишини билдиради.

Бундан ташқари ўқувчилар учун кичик академия ташкил этганмиз ва унда иқтидорли ўқувчилар келгусидаги илмий ишларига ҳам пойдевор қўяди. Кафедралар қошида «Заковат» клуби ҳам очганмиз. Шунингдек, лицейимизда ўқитувчилар ва ўқувчилар мониторинги мунтазам ўтказилади. Устоз-шогирдлик анъанаси яхши йўлга қўйилган.

Наргиза Илҳомова, имтиёзли битирувчи:

— Хорижий филология йўналиши бўйича лицейни битиряпман. Орзуим — немис тили бўйича етук мутахассис бўлиб етишиш. Лицейда шу тилнинг асосларини пухта эгалладим. Миллий университетимизнинг бакалавр йўналишини тамомлагач, Германияда магистратура босқичида ўқишниям ният қилганман. Президентимизнинг ёшларга, айниқса, билимга чанқоқ ёшларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигига биз муносиб бўлмоғимиз керак.

Маросимда иштирок этган устоз-шогирдлар, ота-оналар юз-кўзларидаги шодлик, миннатдорлик табассумлари ва айтилган энг эзгу ниятлар — ҳуррият ҳадя этган бахт-иқбол эканини чин юракдан ҳис этасан киши. Шу куни кечгача давом этган тантанали маросимда қатнашган ҳар бир ўғил-қиз етуклик шаҳодатномасини фахру ифтихор билан қўлга олар экан, «Мен сенга тенгдошман, мустақиллик!» Сени кўз қорачиғидек асраймиз, сенга хизмат қиламиз!» деган сўзлар улар қалбидан ўтаётганига шубҳа йўқ.

Гулгун СУЛТОНОВА,
Моҳинур ҚОДИРОВА.
Суратларда: *тантанали маросимдан лавҳалар.*





Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Ўзбекистон ифтихорлари

СЕРГЕЙ ЛАГУТИННИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Япония ва Жанубий Кореяда ўтган «Tour de Korea-Japan — 2008" кўпкунлик велопойгада ўзбек спортчиси Сергей Лагутин ғалаба қозонди.

«Tour de Korea-Japan — 2008" кўпкунлик велопойгалари Осиё қитъасининг энг нуфузли мусобақаларидан ҳисобланади. Йигирмадан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирок этган мазкур турнирнинг дастлабки икки босқичи Японияда ўтказилди. Жанубий Кореяда давом этган навбатдаги ўн босқичда — Франция, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Австралия каби мамлакатларнинг терма жамоалари иштирокида кечган кескин курашларда Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни олди. Терма жамоа етакчиси Сергей Лагутин эса халқаро мусобақанинг 220 километрлик пойгасида маррага биринчи етиб келди.



Кўпкунлик пойгаларнинг барча — ўн икки босқичида юқори ўринлар учун курашган С.Лагутин «Tour de Korea-Japan — 2008" мусобақаси ғолиби бўлди. Бундан ташқари, тоғли ҳудудларда тезкорлик ва бардошлилигини намойиш этгани учун турнирнинг «Энг яхши тоғ пойгачиси" махсус совринини ҳам қўлга киритди.

— Халқаро турнирларда Ватанимиз Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш биз, спортчилар учун ҳамиша юксак шарафдир, — деди С.Лагутин. — Эришаётган ютуқларимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтидорини намоён этишига қаратилаётган улкан эътибор муҳим омил бўлмоқда. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

1981 йили Фарғонада туғилган С.Лагутин юртимизнинг энг кучли велоспортчиларидан. 23 ёшгача бўлган велоспортчилар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган.

Айни пайтда С.Лагутин август ойида Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Тошкент халқаро аэропортида нуфузли мусобақа ғолибини вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, спорт мухлислари тантанали кутиб олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

МАМЛАКАТ НУР ҚАЛЪАСИ — ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛАСИ

«Табиат Ўзбекистондан неъматларини аямаган. Заминимиз қаърида сон-саноқсиз табиий бойликлар, жумладан, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган энергия ресурслари — нефть, газ конденсати, табиий газ мавжуд»

Президентимиз Ислом Каримовнинг бу сўзлари замиридан нефть, газ ва газ конденсати захиралари ўз ички эҳтиёжларимизни таъминлабгина қолмай, уларни четга чиқариш имкони ҳам борлиги, улар сармоя сарфлашнинг энг фойдали соҳалари эканлигини англаш қийин эмас. Зеро, мутахассислар маълумотларига кўра ҳам мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, Ўзбекистон ер остида жуда катта нефть ва газ қатламларига эга эканлиги, ҳудудимизнинг салкам 60 фоизи уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳудудлар ҳисобланиши қайд этилган. Уст-юрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона сингари бешта асосий нефть-газ минтақасида бу ресурсларнинг захиралари қиймати 1 триллион АҚШ долларидан ошиб кетади...

Биласиз, мустабидлик йилларида Ўзбекистон гази аввал Урал, кейин Россия шаҳарлари, сўнгра Ғарбий Европадаги собиқ социалистик мамлакатлар сари узатилган кезларда халқимиз ўз гази, ўз оловига ўзи исинолмай, тандиру ўчоқларда тезак ёққан кунлар бўлганди...

Энди-чи? Аниқроғи, ўзбек нефть-гази, республика нефть-газ саноатининг ривожи бугун қай даражада? Энг муҳими, истиқлолнинг ўтган 17 йилида мамлакат нур қалъаси, истиқлол машъаласи бўлган нефть-газ таъминоти соҳасида қандай ютуқларга эришдик?

Нефт ишлаб чиқариш бўйича 100 йилдан ортиқ, табиий газ ишлаб чиқариш бўйича 50 йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда яқин ва узоқ хорижга ёқилғи-энергетика ресурслари етказиб берувчи йирик давлатларнинг бирига айланди.

Юқорида айтганимиздек, Ўзбекистон замини углеводород захиралари, нефть ва газнинг энг бой хомашё базасига эга бўлиб, унинг 60 фоизга яқин ҳудудида нефть ва газ олиш имконияти мавжуд. Республиканинг бешта нефть ва газ берувчи ҳудудида (Уст-юрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона) 203 та углеводород хомашёси олинадиган конлар топилган, шундан 104 таси газ ва газ конденсати конлари, 99 таси нефть-газ конденсати ва нефть конларидир.


2-бет

ЁШЛАР ЭКОЛОГИК БОҒИ
Ёшлар йили муносабати билан шаҳар марказида «Ўрда» ёшлар экологик боғи барпо этиш ниҳоясига етди. 2

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ
Германияда чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. 3

«БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ»
ёки фалокат туфайли ота-онасиз қолган уч нафар норасидани ўз қарамоғларига олиб, оқ ювиб, оқ тараётган арнасойлик Шавкат ака ва Ҳурматой опа Эрматовлар ҳақида оддий ҳикоят 4

Депутат ва ҳаёт

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — ФИДОЙИЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

ёки маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг бурчи ва масъулияти ҳақида

Сайловчилар ишончини қозониб, депутатликка сайланишнинг ўзи осон эмас. Депутатлик ваколатига эга бўлгандан кейин эса ўзига билдирилган юксак ишончни оқлаш, сайловчилар манфаатини қатъият билан ҳимоя қилиш талаб этилади. Маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз орасида фаоллиги, ташаббускорлиги билан ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлаётганлари кўплаб топилади. Аммо сайланишга сайланиб, амалда хўжакўрсинга фаолият кўрсатаётган депутатлар ҳам йўқ эмас. Буни халқ депутатлари Зафаробод туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган айрим депутатлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.


Ўтган сайловда туман Кенгашига сайланган 21 нафар депутатдан 11 нафари ЎзХДПдан кўрсатилган эди. Улар туман Кенгашида ХДП депутатлик гуруҳини тузишди. Тўғри, гуруҳ аъзолари орасида Зафаробод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори Олимжон Тоштемиров, «Файзулла Хўжаев» қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Жаҳалбой Қувондиқов, «Жиззахавтойўл» шўъба корхонаси туман филиали раҳбари Жомурод Жўлтаев сингари депутатлар сайловчилар ишончини оқлаш учун фидойилик ва ташаббус кўрсатишмоқда.

2-бет

Юртимиз манзаралари

АВЛИЁ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

ёки одамлар орасида худди шу ном билан машҳур табиатнинг бу сўлим гўшаси, шифобахш сувли булоқнинг кечаги куни ва бугуни хусусида



Жиззах нафақат осмонўпар тоғларию болтомар боғлари билан, балки зиёратгоҳ қадамжолари, тошлар бағридан қайнаб чиқаётган мингкўзли шифобахш булоқлари билан ҳам машҳур. Бугун ҳудудда Музбулоқ, Маржонбулоқ, Пойимард, Навқат ота, Касабулоқ, Хўжамсероб, Оқбулоқ, Жарбулоқ, Чуқурбулоқ сингари ўнлаб булоқлар, зиёратгоҳ жойлар мавжудки, уларнинг орасида «Саъд ибн Ваққос булоғи»нинг таъриф-тафсифи узоқ-узоқларга кетган. У аҳоли орасида «Авлиё ота зиёратгоҳи» деган ном билан машҳур. Зиёратгоҳ Фалларорол туманининг жанубий-шарқида, Туркистон тоғ тизмалари пойидаги қир-адирлар билан ўралган сайхонликда, Авлиё қишлоғи яқинида жойлашган. Эътибор берган бўлсангиз, «Жиззах — Самарқанд» автойўлининг ўттизинчи километри атрофида Жануб томон қайрилган Сангзор йўли бошланади. Шу йўлдан ўн чақиримча юриб, Шарқ томонга буриласиз, баландлаб кетган йўлга чиқиб, 4-5 чақирим масофани босиб ўтсангиз, айнан «Саъд ибн Ваққос булоғи» жойлашган масканга етасиз.

Шундан сўнг табиатнинг сеҳрли қўллари билан яратилган ажиб бир маъвога дуч келасиз. Илдизини сувга ботирган дарахтлар қуршовида мўъжазгина биллурий кўл мавжланиб туради. Тошлар кавагидан эса, зилол сув милдир-милдир қайнаб чиқаётир. Азалий ҳавзада катта-кичик балиқлар сузиб юрибди. Уларнинг тангалари қуёш нурида тилларанг товланади. Қирғоқлар бўйлаб ўсган бақувват чинорлар, кўкка бўй чўзган тераклар, қизларнинг кокилидек солланган мажнунтоллар хаёлни ўзига маҳлиё этади. Соя-салқиндаги сўрида ўтириб, табиатнинг бу мўъжизасига қараб тўймайсиз. Турфа хил қушларнинг чуғур-чуғурини айтмайсизми? Кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди, руҳингиз ором олади. Бирам ҳузур қиласизки, таърифига тил ожиз. Айтишларича, ёзнинг айни жазирама кунларида ҳам бу ерда ажиб бир салқинлик, баҳаво муҳит ҳукм сурар экан. Тангадай офтоб тушмайди, ерга.

— Булоқнинг кечаги куни, яқин ўтмиши ҳақида гап очишнинг ўзи нохуш, — дейди ғаллароллик меҳнат фахрийси Бурхон ака Темиров. — Мустабид тузуми даврида булоқбошининг файзи кетган, ҳатто бу ердаги ҳужра ҳам бузиб ташланган, ичкаридаги оқтош эса синдирилган эди. Тинимсиз тазйиқлар зиёратчиларнинг камайишига олиб келганди.

Шукрлар бўлсинки, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси зиёратгоҳни қайта тиклаш ташаббуси билан чиқдилар. Вилоят ҳамда туман ҳокимликлари бу саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Булоқ бўйида пишиқ ғиштдан гумбазли иморат барпо этилди, унинг ичига ўша синдирилган оқтош қўйилди. Зиёратчи ва дам олувчилар учун уй-жойлар, ғиштин йўлаклар, ихчам кўприклар, икки қаватли меҳмонхона қурилди. Яна замонавий суғориш тармоқлари, миллий меъморчилигимиз рамзи бўлган маҳобатли дарвоза ҳам ўрнатилди. Одамлардан бу каби меҳру ихлос кўраётган табиатнинг мўъжаз гўшаси яшнаб, яшариб кетди, кишиларга ором ва фароғат бағишлай бошлади.

— Бугун муқаддас қадамжоларни ҳар томонлама обод қилиш, умуман олганда, маънавий меросимизни асраб-авайлаш йўлида катта ишлар қилинмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари, профессор Ўрол Носиров. — Эл ичида мазкур зиёратгоҳ ва шифобахш сувли булоқ ҳақида ҳам турли-туман ривоятлар юради. Бир ривоятда айтилишича, ислом динини биринчилардан бўлиб қабул қилган ўнта саҳобаи киромнинг бири бўлмиш Саъд ибн Ваққос (асли Саъд ибн Молик ибн Вуҳайб) бир тошга қўл теккизган экан. Айтишларича, ҳужрадаги ўша оқтош эмиш. Лекин бу ривоятни тасдиқловчи манба ёки бирон-бир асосга эга эмасмиз.

Ва яна бу муборак манзилга Амир Темур бобомизнинг ҳам пойи-қадамлари теккан деган қараш мавжуд. Тарихий манбаларда ёзилишича, 1363 йилда Соҳибқирон ўзининг икки юз кишилик суворийлари билан Илонўтди дарасида турган шоҳ Малик қўшинини қувиб, Булунғур даштига етган пайтда, Кайхусравдан тезда Ровотга қайтмаса бўлмаслигини, мўғуллар Жиззахни талон-торож этиб, халққа жабр қилаётгани ҳақида хабар олади, шунда қисқа йўл — Авлиё қишлоғи орқали Ровотга ўтади. Шунда бобомиз суворийлари билан ширин сувли шу булоқ бўйида бир зум нафас ростлаган бўлса, не ажаб?

Бугун шифобахш сувли булоқ ва унинг атрофида барпо этилган муқаддас зиёратгоҳ яқин-йироқдан келувчи одамларнинг қадами узилмайдиган масканга, кўпчилик учун табиат гўзаллигидан баҳра оладиган дилкушо манзилга айланган. Буларнинг бари, аввало, юртимиздаги тинчлик, турмушимиздаги фаровонлик, эътиқотимиздаги собитликдан далолат беради.


Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *«Саъд ибн Ваққос булоғи» ва унинг атрофида барпо этилган зиёратгоҳнинг бугунги кўриниши.*

Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Янги китоб

«УМР ФАСЛЛАРИ»



«Шеър ёзиш — қалбда илоҳийликнинг туғилишидир», деган эди мутафаккирлардан бири. Дарҳақиқат, сўз айтмоқ, юракда туғилган ҳароратли туйғуларни сатрларга муҳрламоқ, уни одамларга манзур қилмоқ бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ардоқли шоира Эътибор Охунованинг ижодини кузатарканмиз, унинг дилкаш шеърлари оҳанрабо қўшиқларга жо бўлгани, меҳр-муҳаббатга лиммолим достонлари аллақачон эл эътиборига тушиб, меҳрини қозонганини дилдан ҳис этамиз.

Яқинда Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи шоиранинг «Умр фасллари» номли сайланмасини нашр этди. Ушбу салмоқли тўпламдан шоиранинг турли йилларда ёзилган энг сара ижод намуналари ўрин олган. Китобга Ўзбекистон Халқ шоири Жуманиёз Жабборов сўзбоши ёзган. «Бир томчи тиниқ сувда бутун коинот акс этади деганларидек, Эътибор Охунова лирикасида ҳам хилма-хил туйғулар жилосини кўриш мумкин, — деб ёзади жумладан у. — Унинг юрак тароналарида табассум ва қувонч, дўстлик ва севги, ҳаяжон ва сокинлик, дард ва масъуллик туйғулари бир-бирига чирмашиб кетади, бир-бирини тўлдиради... Шоиранинг ўзи таъкидлаганидек, унинг умри шамчироқ, тунлари бедор нур сочади, ҳар сатрида ёшликнинг, инсонийликнинг азиз ҳислари ялтираб нақшлана боради.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу сайланма шоиранинг узоқ йиллик ижоди самараси дейиш мумкин. Эътибор Охунованинг адабиётимизга, маънавиятимизга қилган хизматларини унинг беқиёс меҳр уфуриб турган «Тонгда», «Марҳабо, баҳор», «Хаёлимдасан», «Кўнгил мулки», «Лирика», «Қиз ҳусни», «Сунбула», «Эй кўнгил, гул бўл», «Дил маҳзани ичра» каби талай шеърий тўпламлари, шунингдек, қатор тиллардан қилган таржималаридан ҳам кўриш мумкин. Эътибор Охунова шеърларида она диёримизнинг гўзаллиги, халқимизнинг ардоқли туйғулари, чин инсоний фазилатлари жўшқинлик билан куйланади. Ҳар бир шеъри замирида шоиранинг бедор қалб туғёни, беқиёс меҳр олами, дунё ташвиши билан яшаётган уйғоқ инсоннинг руҳий кечинмалари яққол акс этиб туради.

Ўйлаймизки, Эътибор Охунованинг ушбу «Сайланма»си ҳам китобхонлар қалбидан муносиб жой олади.

Жасур ҲУСАНОВ.

Турмуш маданияти

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ...

ёки баъзи хонадон эгаларининг табиий газдан нотўғри фойдаланишлари оқибати хусусида

Инсоннинг ҳаётда энг биринчи кашфиёти — олов бўлса-да, у ҳануз энг хавфли ёв ҳам бўлиб қолаётгани сир эмас. Тандирдаги ёки ўчоқдаги оташми, кутилмаган алангами ва ёки табиий газ оловими — барибир, олов — олов-да, халқ таъбири билан айтганда, тилсиз ёв.

Биласиз, табиий газдан фойдаланиш инсон учун қулайлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда республикамизнинг энг чекка қишлоқлари ҳам табиий газ билан деярли таъминланган. Аммо одамлар баъзан унинг хавфли «ёв»лигини ҳалиҳануз чуқур идрок этмайдилар.

Шунинг учун ҳам, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, маҳалла профилактика нозирлари, газ идоралари ходимлари бу борада биргаликда фаол саъй-ҳаракат олиб бормоқдалар. Аниқроғи, фуқаролар томонидан хонадонларда, иш жойларида, шахсий ошхоналарда ўзбошимчалик билан газ қувурига улаб олинган резина шлангларни, қоидага зид равишда ишлатилаётган ясама мосламаларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар, қатор қўшма рейдлар ўтказмоқдалар.

Рейдлар давомида корхона, ишлаб чиқариш масканлари, фуқароларнинг яшаш жойлари қайта текширувлардан ўтказилмоқда. Мана шу жараёнда аниқланган носоз газ ускуналарни қўллаш, газ мосламаларини ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига хилоф равишда резина шланглар улаш, иситиш печларининг носоз мўриларидан фойдаланиш каби ҳолатлар бартараф этилмоқда.

Шунингдек, айрим фуқаролар ҳовлиларида жойлашган иссиқхоналарда газдан ноқонуний фойдаланаётганлиги ва бошқа «ўғринча» йўллар билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги, оқибатда қўни-қўшнилари ҳаёти ҳамда мол-мулкини хавф остига қўйиб келаётганлиги ҳолатлари аниқланмоқда.

Оддий мисол, жорий йилнинг ўтган ойларида туманимиз ҳудудида содир бўлган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, айнан газ ускуналари ва печларидан фуқароларнинг нотўғри фойдаланишлари, ота-оналарнинг ёш болаларига ишониб газдан фойдаланишларига рухсат беришлари оқибатида 22 та ҳолатда ёнғинлар содир бўлди.

Ёнғинлар оқибатида фуқароларнинг турли даражада куйиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари кузатилди. Ҳатто ёнғинда куйиб, жароҳат олган ёш болалар бир умрга ногирон бўлиб қолган ҳоллар ҳам бўлди. Энг ачинарлиси, ёнғинлар сабабли айрим фуқаролар, ҳатто ёш болалар аланга чангалида бевақт ҳаётдан кўз юмдилар.

Гарчи кўнгилсиз бўлса-да, тасаввур этинг, одамлар нене орзу-умидлар билан иморат қуришади, иситиш печларини деб мол-мулк тўплашади. Аммо бир лоқайд қилмишдан уларнинг ҳаммаси ёниб кулга айланади, хонадонлар эгалари бошпанасиз қолишади...

«Олов балоси» шунчаки табиий офат эмас, унинг олдини олиш, сақланиш, муҳофазаланиш имконига эгамиз. Афсуски, баъзи кишилар онгида ҳали-ҳали «ўт балоси», «буям бир кўргилик» деган нотўғри тушунчалар мавжуд. Хавфли томони — баъзилар ёнғин олдини олиш — «ўт ўчирувчи»нинг иши, деб ўйлашади. Афсуски, ёнғин содир этилгач, уни ўчириш сўнгги чора эканлигини билишмайди.

Маҳалла, хонадон ва оилалардаги юксак турмуш маданияти — аҳоли осойишталигини таъминлашда муҳим омил. Қолаверса, одамларнинг ҳавас билан қурган ҳашаматли уй-жойлари маҳаллаларимиз кўрки. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўзи ва ўзгалар ҳаёти ҳамда мол-мулкини эҳтиётлаш масъулиятини чуқурроқ англаши керак.

Анвар ЗИЁБЕКОВ,
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Ички ишлар бўлими Ёнғин хавфсизлиги бўлими катта лейтенанти.

МАВСУМИЙ ОРОМГОҲ ТАШКИЛ ЭТДИ

Янгийўл шаҳридаги 18-сонли махсус мактаб қошида жисмонан заиф болалар учун 10 кунлик оромгоҳ ташкил этилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини мазмунли ва намунали ўтказиш мақсадида тегишли вазирлик ва ташкилотлар қаторида Қизил ярим ой жамияти ҳам ўз тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Мазкур дастур доирасида Қизил ярим ой жамияти кўнгилли ёшлари ташаббуси билан 25 июндан иш бошлаган мазкур оромгоҳда йигирма нафар ногирон болалар дам олмоқда. Кўнгли ўксик бу болажонларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларида жамиятнинг Ёшлар маркази кўнгиллилари фаоллик кўрсатаётир.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси

Академия биносида капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича қурилиш ташкилотларини тендерга таклиф этади.

Тендер ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин.

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй.

Тел: 232-61-19, 232-61-36, 391-40-26

Огоҳ бўлайлик

ОВ ҚУРОЛИНИ

эсдалик сифатида сақлаб бўлмайди

Турсинали бобосидан отасига мерос бўлиб қолган эсдалик совғани яхши биларди. Уни бир неча марта яширинча сандиқдан олиб, томоша қилиб, яна жойига солиб қўйган. Лекин шу йилнинг қишида сабри чидамади. Кучли совуқ бўлишига қарамай, пешин соат бирларда уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кўрпатўшакларни ағдариб, яна сандиқни очди. Ярим букилган, кўндаланг жойлаштирилиб, устига кийим-бош тахланган ов милтиғини олиб, ўқдонни халтага солди.

«Гулбоғ» маҳалласи бўйлаб юриб, Қорасув ёқасига борди. 16-калибрли милтиқ, ўқдонда эса 18 та отилган гильза, бир дона ўқ бор эди. У сўнгги ўқни жойлаб, нималарнидир нишонга олган бўлди. Ва ўқ овозини эшитгиси келиб, тепкини босди...

Эндигина ўн тўққиз баҳорни кўрган янгийўллик бўз йигит ўзига яхшигина эрмак топилганидан қувониб уйига қайтаётганида Ички ишлар ходимларига рўбарў бўлди. Кутилмаган учрашувдан чўчиган Турсинали қочди. ИИБ ходимлари эса уни уйига яқинлашганда ушлашди...

Турсиналининг отаси, 42 ёшли Турсунпўлат Маҳаматов ва холислар иштирокида баённома тузилди. Ҳақиқатан ҳам Турсунпўлат ака ўз уйида 16-калибрли 6143 рақамли, 18 та отилган гильза ва бир дона отилмаган ўқни сандиқда рухсатномасиз сақлаб келаётганлигига иқрор бўлди.

Шунингдек, ўтказилган махсус тадбир давомида Янгийўл тумани «Марказ» маҳалласида истиқомат қилувчи 53 ёшли Одилжон Аҳмаджонов ҳам ҳеч қандай рухсатномасиз ўқотар қуролни яширинча сақлаб келаётгани маълум бўлди. Холислар иштирокида баённома тузиш чоғида Одилжон отаси Х.Охуновдан қолган ва уни ҳеч қандай ҳужжатсиз эсдалик учун сақлаб келаётганини тан олди. 12-калибрли қўшоғизли ов милтиғини ноқонуний сақлаб келаётгани учун унга ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Тўғри, О.Аҳмаджонов отасидан қолган қуролни хотира учун сақлаб келган бўлиши мумкин. Аммо ов милтиғини рўйхатдан ўтказмасдан ноқонуний сақлаш ва ундан фойдаланиш исталган вақтда жиноят қуроли бўлиб, инсон ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Ўқ кимнидир, ниманидир нишонга олади. Қурол олиб юриш ва сақлашнинг белгиланган тартиб-қоидаси бор. Уни бузганлар эса қонун олдида жавоб беради.

Абдуқаюм МАҲКАМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг раиси.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ

Республики Узбекистан объявляет конкурс торга на пошив нижеперечисленных предметов форменного обмундирования:

1. *Плащ-пальто (мужское, женское — ткань и фурнитура верха давальческая).*
2. *Куртка утеплённая (офицерская мужская, женская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
3. *Куртка утеплённая с искусственным воротником (курсантская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
4. *Куртка облегчённая (мужская, женская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
5. *Костюм повседневный (мужской, женский — ткань и фурнитура верха давальческая).*
6. *Брюки навыпуск (ткань верха давальческая).*
7. *Юбка (ткань верха давальческая).*
8. *Сорочка — длинный-короткий рукав (мужская, женская — ткани верха и прокладочная давальческая).*
9. *Фуражка (ткань верха и прокладочная давальческая).*
10. *Пилотка женская (ткань верха давальческая).*

Срок подачи документов в течении 20 дней со дня выхода объявления.

Для получения дополнительной информации обращаться по телефонам: 120-76-00 (внутренний 26-15, 34-60)

Адрес: 100003, г.Ташкент, пр. Узбекистанский, 3

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston
Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 649
8077 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.55
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

Мехнат шартномаси № ___

Тошкент шахри «___»_____200_ йил

Тошкент шахар «Лочин химояси» адвокатлик фирмаси номидан (кейинги уринларда «иш берувчи») **бош директор Жонузоков Нематжон Мамтисакович** ва фукаро _____ (кейинги уринларда «ходим») мазкур шартномани куйидагилар тугрисида туздик.

1. Шартнома предмети.

1.1. Ходим _____ лавозимига ишга олинди.
1.2. Ушбу лавозим _____ хисобланади.
(асосий иш урни, уриндошлик асосида ва б.)

2. Ходимнинг хукук ва мажбуриятлари.

2.1. Ходимнинг хукуклари.
2.1.1. Уз мехнати учун келишилган микдорда, аммо энг кам ойлик иш хакидан кам булмаган микдорда хак олиш;
2.1.2. Хар йили уз хохишига кура мехнат таътилига чикиш; Бунда ходим мехнат таътилига чикканда бериладиган таътил пулини уни хар ойлик иш хакидан ушлаб колиш ёки ушламасликни узи хал этади.
2.1.3. Хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда мехнат килиш.

2.2. Ходимнинг мажбуриятлари.
2.2.1. Узбекистон Республикаси конунлари ва конуности актларига риоя килиш;
2.2.2. Иш берувчининг конуний буйрукларини бажариш;
2.2.3. Мехнат шартномасига риоя килиш;
2.2.4. Мехнат таътилига чикканда ходим таътил пули олишни хохласа ундай холда унга таътил пули берилиши учун узини хар ойлик пул тушумидан йил давомида ушлаб борилишини сураб иш берувчига ёзма равишда мурожаат килиши шарт. Акс холда мехнат таътили пулсиз берилади;
2.2.5. Курсатиладиган ёки курсатилган юридик хизматлар учун мижозлардан шахсан узи пул олмаслик. Туловларни факат фирма кассаси ёки фирмани банкдаги хисоб раками оркали амалга ошириш;
2.2.6. Ходим Олий маълумотли булганлиги ва ишларни узи мустаккил хал этиши туфайли курсатилган юридик хизматлар, хулосалар ва актлар учун шахсан узи жавобгарлигини хис этиб факат конун асосида иш олиб бориши шарт.

3. Иш берувчининг хукук ва мажбуриятлари.

3.1. Иш берувчининг хукуклари.
3.1.1. Ходимдан конун ва мехнат шартномаси шартларига риоя килишини талаб килиш;
3.1.2. Ходимга конуний буйруклар бериш;

3.2. Иш берувчининг мажбуриятлари.
3.2.1. Ходимга уз вактида ойлик маоши тулаш;
3.2.2. Хавфсиз ва самарали мехнат шароитлари яратиб бериш;
3.2.3. Мехнат шартномасига амал килиш.


4. Шартноманинг амал килиш муддати.

4.1. Шартнома ходим ишга буйрук асосида кабул килинган кундан ва тарафлар томонидан ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб амал килади.
4.2. Шартноманинг амал килиш муддати муддатсиздир.

Юртимиз манзаралари

АВЛИЁ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

ёки одамлар орасида худди шу ном билан машҳур табиатнинг бу сўлим гўшаси, шифобахш сувли булоқнинг кечаги куни ва бугуни хусусида



Жиззах нафақат осмонўпар тоғларию болтомар боғлари билан, балки зиёратгоҳ қадамжолари, тошлар бағридан қайнаб чиқаётган мингкўзли шифобахш булоқлари билан ҳам машҳур. Бугун ҳудудда Музбулоқ, Маржонбулоқ, Пойимард, Навқат ота, Касабулоқ, Хўжамсероб, Оқбулоқ, Жарбулоқ, Чуқурбулоқ сингари ўнлаб булоқлар, зиёратгоҳ жойлар мавжудки, уларнинг орасида «Саъд ибн Ваққос булоғи»нинг таъриф-тафсифи узоқ-узоқларга кетган. У аҳоли орасида «Авлиё ота зиёратгоҳи» деган ном билан машҳур. Зиёратгоҳ Ғаллаорол туманининг жануби-шарқида, Туркистон тоғ тизмалари пойидаги қир-адирлар билан ўралган сайхонликда, Авлиё қишлоғи яқинида жойлашган. Эътибор берган бўлсангиз, «Жиззах — Самарқанд» автойўлининг ўттизинчи километри атрофида Жануб томон қайрилган Сангзор йўли бошланади. Шу йўлдан ўн чақиримча юриб, Шарқ томонга буриласиз, баландлаб кетган йўлга чиқиб, 4-5 чақирим масофани босиб ўтсангиз, айнан «Саъд ибн Ваққос булоғи» жойлашган масканга етасиз.

Шундан сўнг табиатнинг сеҳрли қўллари билан яратилган ажиб бир маъвога дуч келасиз. Илдизини сувга ботирган дарахтлар қуршовида мўъжазгина биллурий кўл мавжланиб туради. Тошлар кавагидан эса, зилол сув милдир-милдир қайнаб чиқаётир. Азалий ҳавзада катта-кичик балиқлар сузиб юрибди. Уларнинг тангалари қуёш нурида тилларанг товланади. Қирғоқлар бўйлаб ўсган бақувват чинорлар, кўкка бўй чўзган тераклар, қизларнинг кокилидек солланган мажнунтоллар хаёлни ўзига маҳлиё этади. Соя-салқиндаги сўрида ўтириб, табиатнинг бу мўъжизасига қараб тўймайсиз. Турфа хил қушларнинг чуғур-чуғурини айтмайсизми? Кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди, руҳингиз ором олади. Бирам ҳузур қиласизки, таърифига тил ожиз. Айтишларича, ёзнинг айни жазирама кунларида ҳам бу ерда ажиб бир салқинлик, баҳаво муҳит ҳукм сурар экан. Тангадай офтоб тушмайди, ерга.

— Булоқнинг кечаги куни, яқин ўтмиши ҳақида гап очишнинг ўзи нохуш, — дейди ғаллаоролик меҳнат фахрийси Бурхон ака Темиров. — Мустабид тузуми даврида булоқбошининг файзи кетган, ҳатто бу ердаги ҳужра ҳам бузиб ташланган, ичкаридаги оқтош эса синдирилган эди. Тинимсиз тазйиқлар зиёратчиларнинг камайишига олиб келганди.

Шукрлар бўлсинки, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси зиёратгоҳни қайта тиклаш ташаббуси билан чиқдилар. Вилоят ҳамда туман ҳокимликлари бу саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Булоқ бўйида пишиқ ғиштдан гумбазли иморат барпо этилди, унинг ичига ўша синдирилган оқтош қўйилди. Зиёратчи ва дам олувчилар учун уй-жойлар, ғиштин йўлаклар, ихчам кўприклар, икки қаватли меҳмонхона қурилди. Яна замонавий суғориш тармоқлари, миллий меъморчилигимиз рамзи бўлган маҳобатли дарвоза ҳам ўрнатилди. Одамлардан бу каби меҳру ихлос кўраётган табиатнинг мўъжаз гўшаси яшнаб, яшариб кетди, кишиларга ором ва фароғат бағишлай бошлади.

— Бугун муқаддас қадамжоларни ҳар томонлама обод қилиш, умуман олганда, маънавий меросимизни асраб-авайлаш йўлида катта ишлар қилинмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари, профессор Ўрол Носиров. — Эл ичида мазкур зиёратгоҳ ва шифобахш сувли булоқ ҳақида ҳам турли-туман ривоятлар юради. Бир ривоятда айтилишича, ислом динини биринчилардан бўлиб қабул қилган ўнта саҳобаи киромнинг бири бўлмиш Саъд ибн Ваққос (асли Саъд ибн Молик ибн Вуҳайб) бир тошга қўл теккизган экан. Айтишларича, ҳужрадаги ўша оқтош эмиш. Лекин бу ривоятни тасдиқловчи манба ёки бирон-бир асосга эга эмасмиз.

Ва яна бу муборак манзилга Амир Темур бобомизнинг ҳам пойи-қадамлари теккан деган қараш мавжуд. Тарихий манбаларда ёзилишича, 1363 йилда Соҳибқирон ўзининг икки юз кишилик суворийлари билан Илонўтди дарасида турган шоҳ Малик қўшинини қувиб, Булунғур даштига етган пайтда, Кайхусравдан тезда Ровотга қайтмаса бўлмаслигини, мўғуллар Жиззахни талон-торож этиб, халққа жабр қилаётгани ҳақида хабар олади, шунда қисқа йўл — Авлиё қишлоғи орқали Ровотга ўтади. Шунда бобомиз суворийлари билан ширин сувли шу булоқ бўйида бир зум нафас ростлаган бўлса, не ажаб?

Бугун шифобахш сувли булоқ ва унинг атрофида барпо этилган муқаддас зиёратгоҳ яқин-йироқдан келувчи одамларнинг қадами узилмайдиган масканга, кўпчилик учун табиат гўзаллигидан баҳра оладиган дилкушо манзилга айланган. Буларнинг бари, аввало, юртимиздаги тинчлик, турмушимиздаги фаровонлик, эътиқотимиздаги собитликдан далолат беради.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: «Саъд ибн Ваққос булоғи» ва унинг атрофида барпо этилган зиёратгоҳнинг бугунги кўриниши.

Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Янги китоб

«УМР ФАСЛЛАРИ»



«Шеър ёзиш — қалбда илоҳийликнинг туғилишидир», деган эди мутафаккирлардан бири. Дарҳақиқат, сўз айтмоқ, юракда туғилган ҳароратли туйғуларни сатрларга муҳрламоқ, уни одамларга манзур қилмоқ бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ардоқли шоира Эътибор Охунованинг ижодини кузатарканмиз, унинг дилкаш шеърлари оҳанрабо қўшиқларга жо бўлгани, меҳр-муҳаббатга лиммолим достонлари аллақачон эл эътиборига тушиб, меҳрини қозонганини дилдан ҳис этамиз.

Яқинда Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи шоирaнинг «Умр фасллари» номли сайланмасини нашр этди. Ушбу салмоқли тўпламдан шоиранинг турли йилларда ёзилган энг сара ижод намуналари ўрин олган. Китобга Ўзбекистон Халқ шоири Жуманиёз Жабборов сўзбоши ёзган. «Бир томчи тиниқ сувда бутун коинот акс этади деганларидек, Эътибор Охунова лирикасида ҳам хилма-хил туйғулар жилосини кўриш мумкин, — деб ёзади жумладан у. — Унинг юрак тароналарида табассум ва қувонч, дўстлик ва севги, ҳаяжон ва сокинлик, дард ва масъуллик туйғулари бир-бирига чирмашиб кетади, бир-бирини тўлдиради... Шоиранинг ўзи таъкидлаганидек, унинг умри шамчироқ, тунлари бедор нур сочади, ҳар сатрида ёшликнинг, инсонийликнинг азиз ҳислари ялтираб нақшлана боради.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу сайланма шоиранинг узоқ йиллик ижоди самараси дейиш мумкин. Эътибор Охунованинг адабиётимизга, маънавиятимизга қилган хизматларини унинг беқиёс меҳр уфуриб турган «Тонгда», «Марҳабо, баҳор», «Хаёлимдасан», «Кўнгил мулки», «Лирика», «Қиз ҳусни», «Сунбула», «Эй кўнгил, гул бўл», «Дил маҳзани ичра» каби талай шеърий тўпламлари, шунингдек, қатор тиллардан қилган таржималаридан ҳам кўриш мумкин. Эътибор Охунова шеърларида она диёримизнинг гўзаллиги, халқимизнинг ардоқли туйғулари, чин инсоний фазилатлари жўшқинлик билан куйланади. Ҳар бир шеъри замирида шоиранинг бедор қалб туғёни, беқиёс меҳр олами, дунё ташвиши билан яшаётган уйғоқ инсоннинг руҳий кечинмалари яққол акс этиб туради.

Ўйлаймизки, Эътибор Охунованинг ушбу «Сайланма»си ҳам китобхонлар қалбидан муносиб жой олади.

Жасур ҲУСАНОВ.

Турмуш маданияти

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ...

ёки баъзи хонадон эгаларининг табиий газдан нотўғри фойдаланишлари оқибати хусусида

Инсоннинг ҳаётда энг биринчи кашфиёти — олов бўлса-да, у ҳануз энг хавфли ёв ҳам бўлиб қолаётгани сир эмас. Тандирдаги ёки ўчоқдаги оташми, кутилмаган алангами ва ёки табиий газ оловими — барибир, олов — олов-да, халқ таъбири билан айтганда, тилсиз ёв.

Биласиз, табиий газдан фойдаланиш инсон учун қулайлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда республикамизнинг энг чекка қишлоқлари ҳам табиий газ билан деярли таъминланган. Аммо одамлар баъзан унинг хавфли «ёв»лигини ҳалиҳануз чуқур идрок этмайдилар.

Шунинг учун ҳам, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, маҳалла профилактика нозирлари, газ идоралари ходимлари бу борада биргаликда фаол саъй-ҳаракат олиб бормоқдалар. Аниқроғи, фуқаролар томонидан хонадонларда, иш жойларида, шахсий ошхоналарда ўзбошимчалик билан газ қувурига улаб олинган резина шлангларни, қоидага зид равишда ишлатилаётган ясама мосламаларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар, қатор қўшма рейдлар ўтказмоқдалар.

Рейдлар давомида корхона, ишлаб чиқариш масканлари, фуқароларнинг яшаш жойлари қайта текширувлардан ўтказилмоқда. Мана шу жараёнда аниқланган носоз газ ускуналарини қўллаш, газ мосламаларини ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига хилоф равишда резина шланглар улаш, иситиш печларининг носоз мўриларидан фойдаланиш каби ҳолатлар бартараф этилмоқда.

Шунингдек, айрим фуқаролар ҳовлиларида жойлашган иссиқхоналарда газдан ноқонуний фойдаланаётганлиги ва бошқа «ўғринча» йўллар билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги, оқибатда қўни-қўшнилари ҳаёти ҳамда мол-мулкини хавф остига қўйиб келаётганлиги ҳолатлари аниқланмоқда.

Оддий мисол, жорий йилнинг ўтган ойларида туманимиз ҳудудида содир бўлган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, айнан газ ускуналари ва печларидан фуқароларнинг нотўғри фойдаланишлари, ота-оналарнинг ёш болаларига ишониб газдан фойдаланишларига рухсат беришлари оқибатида 22 та ҳолатда ёнғинлар содир бўлди.

Ёнғинлар оқибатида фуқароларнинг турли даражада куйиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари кузатилди. Ҳатто ёнғинда куйиб, жароҳат олган ёш болалар бир умрга ногирон бўлиб қолган ҳоллар ҳам бўлди. Энг ачинарлиси, ёнғинлар сабабли айрим фуқаролар, ҳатто ёш болалар аланга чангалида бевақт ҳаётдан кўз юмдилар.

Гарчи кўнгилсиз бўлса-да, тасаввур этинг, одамлар нене орзу-умидлар билан иморат қуришади, яхши кунимизга деб мол-мулк тўплашади. Аммо бир лоқайд қилмишдан уларнинг ҳаммаси ёниб кулга айланади, хонадонлар эгалари бошпанасиз қолишади...

«Олов балоси» шунчаки табиий офат эмас, унинг олдини олиш, сақланиш, муҳофазаланиш имконига эгамиз. Афсуски, баъзи кишилар онгида ҳали-ҳали «ўт балоси», «буям бир кўргилик» деган нотўғри тушунчалар мавжуд. Хавфли томони — баъзилар ёнғин олдини олиш — «ўт ўчирувчи»нинг иши, деб ўйлашади. Афсуски, ёнғин содир этилгач, уни ўчириш сўнгги чора эканлигини билишмайди.

Маҳалла, хонадон ва оилалардаги юксак турмуш маданияти — аҳоли осойишталигини таъминлашда муҳим омил. Қолаверса, одамларнинг ҳавас билан қурган ҳашаматли уй-жойлари маҳаллаларимиз кўрки. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўзи ва ўзгалар ҳаёти ҳамда мол-мулкини эҳтиётлаш масъулиятини чуқурроқ англаши керак.

Анвар ЗИЁБЕКОВ,
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Ички ишлар бўлими Ёнғин хавфсизлиги бўлими катта лейтенанти.

МАВСУМИЙ ОРОМГОҲ ТАШКИЛ ЭТДИ

Янгийўл шаҳридаги 18-сонли махсус мактаб қошида жисмонан заиф болалар учун 10 кунлик оромгоҳ ташкил этилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини мазмунли ва намунали ўтказиш мақсадида тегишли вазирлик ва ташкилотлар қаторида Қизил ярим ой жамияти ҳам ўз тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Мазкур дастур доирасида Қизил ярим ой жамияти кўнгилли ёшлари ташаббуси билан 25 июндан иш бошлаган мазкур оромгоҳда йигирма нафар ногирон болалар дам олмоқда. Кўнгли ўксик бу болажонларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларида жамиятнинг Ёшлар маркази кўнгиллилари фаоллик кўрсатаётир.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси

Академия биносида капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича қурилиш ташкилотларини тендерга таклиф этади.

Тендер ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин.

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй.

Тел: 232-61-19, 232-61-36, 391-40-26

Огоҳ бўлайлик

ОВ ҚУРОЛИНИ

эсдалик сифатида сақлаб бўлмайди

Турсинали бобосидан отасига мерос бўлиб қолган эсдалик совғани яхши биларди. Уни бир неча марта яширинча сандиқдан олиб, томоша қилиб, яна жойига солиб қўйган. Лекин шу йилнинг қишида сабри чидамади. Кучли совуқ бўлишига қарамай, пешин соат бирларда уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кўрпа-тўшакларни ағдариб, яна сандиқни очди. Ярим букилган, кўндаланг жойлаштирилиб, устига кийим-бош тахланган ов милтиғини олиб, ўқдонни халтага солди.

«Гулбоғ» маҳалласи бўйлаб юриб, Қорасув ёқасига борди. 16-калибрли милтиқ, ўқдонда эса 18 та отилган гильза, бир дона ўқ бор эди. У сўнгги ўқни жойлаб, нималарнидир нишонга олган бўлди. Ва ўқ овозини эшитгиси келиб, тепкини босди...

Эндигина ўн тўққиз баҳорни кўрган янгийўллик бўз йигит ўзига яхшигина эрмак топилганидан қувониб уйига қайтаётганида Ички ишлар ходимларига рўбарў бўлди. Кутилмаган учрашувдан чўчиган Турсинали қочди. ИИБ ходимлари эса уни уйига яқинлашганда ушлашди...

Турсиналининг отаси, 42 ёшли Турсунпўлат Маҳаматов ва холислар иштирокида баённома тузилди. Ҳақиқатан ҳам Турсунпўлат ака ўз уйида 16-калибрли 6143 рақамли, 18 та отилган гильза ва бир дона отилмаган ўқни сандиқда рухсатномасиз сақлаб келаётганлигига иқрор бўлди.

Шунингдек, ўтказилган махсус тадбир давомида Янгийўл тумани «Марказ» маҳалласида истиқомат қилувчи 53 ёшли Одилжон Аҳмаджонов ҳам ҳеч қандай рухсатномасиз ўқотар қуролни яширинча сақлаб келаётгани маълум бўлди. Холислар иштирокида баённома тузиш чоғида Одилжон отаси Х.Охуновдан қолган ва уни ҳеч қандай ҳужжатсиз эсдалик учун сақлаб келаётганини тан олди. 12-калибрли қўшоғизли ов милтиғини ноқонуний сақлаб келаётгани учун унга ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Тўғри, О.Аҳмаджонов отасидан қолган қуролни хотира учун сақлаб келган бўлиши мумкин. Аммо ов милтиғини рўйхатдан ўтказмасдан ноқонуний сақлаш ва ундан фойдаланиш исталган вақтда жиноят қуроли бўлиб, инсон ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Ўқ кимнидир, ниманидир нишонга олади. Қурол олиб юриш ва сақлашнинг белгиланган тартиб-қоидаси бор. Уни бузганлар эса қонун олдида жавоб беради.

Абдуқаюм МАҲКАМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг раиси.

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ

Республики Узбекистан объявляет конкурс торга на пошив нижеперечисленных предметов форменного обмундирования:

1. *Плащ-пальто (мужское, женское — ткань и фурнитура верха давальческая).*
2. *Куртка утеплённая (офицерская мужская, женская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
3. *Куртка утеплённая с искусственным воротником (курсантская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
4. *Куртка облегчённая (мужская, женская — ткань и фурнитура верха давальческая).*
5. *Костюм повседневный (мужской, женский — ткань и фурнитура верха давальческая).*
6. *Брюки навыпуск (ткань верха давальческая).*
7. *Юбка (ткань верха давальческая).*
8. *Сорочка — длинный-короткий рукав (мужская, женская — ткани верха и прокладочная давальческая).*
9. *Фуражка (ткань верха и прокладочная давальческая).*
10. *Пилотка женская (ткань верха давальческая).*

Срок подачи документов в течении 20 дней со дня выхода объявления.

Для получения дополнительной информации обращаться по телефонам: 120-76-00 (внутренний 26-15, 34-60)

Адрес: 100003, г.Ташкент, пр. Узбекистанский, 3

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 649
8077 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.55
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

5. Ходим (адвокат) даромадининг таксимланиши.

5.1. Ходим (адвокат) хар ойда фирма хисоб ракамига энг камида_____ _____ сум микдорда газна пули топширади.
5.2. Топширилган сумманинг 30% фирма харажатлари учун сарфланади.
5.3. Топширилган сумманинг колган 70% ходим (адвокат)га маош сифатида берилади.
5.4. Пул топшириш, харажатларга ушлаб колиш ва маош бериш масаласида ушбу шартномага кушимча узгартиришлар киритилиши мумкин.

6. Ходим (адвокат)нинг жавобгарлиги.

6.1. Ходим (адвокат) уз мижозлари билан хизмат хакини ва ишда катнашиш билан боглик харажатларни (гонарар суммасини) узи келишади ва гонарар юзасидан келиб чиккан барча муаммоларни узи хал этади. Улар уртасида келиб чикадиган низолар юзасидан фирма жавобгар хисобланмайди;
6.2. Ходим жисмоний ёки юридик шахсларга юридик хизмат курсатганлиги юзасидан келиб чиккан барча низоларга шахсан узи жавобгардир;
6.3. Ходим иш жараёнида узига маълум булган маълумотларни, мижозга тегишли маълумотларни (адвокатлик сирини) фирма билан мехнат муносабатларини тугатгандан сунг хам таркатиши мумкин эмас (конунда талаб килинган холлар бундан мустасно).

7. Иш хафтаси ва кун режими.

7.1. Иш хафтаси ва иш соати ходимнинг бандлиги ва ундаги иш хажмидан келиб чиккан хзолда белгиланади.

8. Шартномага узгартириш ва кушимчалар киритиш.

8.1. Шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар киритиш факат томонларнинг узаро розилиги билан амалга оширилади.
8.2. Мазкур шартнома амалдаги конунчилик асосида, шунингдек технологиядаги, ишлаб чикариш ва мехнатни ташкил этишдаги узгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятиниг узгаришига олиб келган ишлар хажмининг кискарганлиги ёхуд фирманинг тугатилганлиги сабабли бекор килиниши мумкин.

9. Томонларнинг маъсулияти.

9.1. Томонлар ушбу мехнат шартномасининг барча бандларига риоя киладилар.
9.2. Мехнатга оид низолар мазкур мехнат шартномаси ва амалдаги конунчилик асосида хал этилади.

10. Шартноманинг юридик кучи.

10.1. Мазкур шартнома тарафлар учун мажбурий хисобланади ва у хукукий кучга эгадир.
10.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада томонларнинг хар бири учун биттадан тузилади ва томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

11. Томонларнинг имзолари.

Иш берувчи:	**Ходим:**
_____	_____
(имзо, мухр)	(имзо)

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — ФИДОЙИЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

ёки маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг бурчи ва масъулияти ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Афсуски, депутатларимиз орасида елиб-югуриб сайловчилар ишончини оқлаш ўрнига эски кайфиятда, хотиржам юрганлари ҳам учрайди. Яқинда касби шифокор бўлган бир депутатимизга «Ўтган давр ичида депутат сифатида нима ишлар қилдингиз, сайловчиларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор қайси масалаларни сессиялар муҳокамасига олиб чиқдингиз?», деган савол билан мурожаат қилдик.

— Қўлимиздан келганча ишлаяпмиз, сайловчиларимиз билан учрашиб турибмиз. Ҳозирча туман Кенгашининг бирор бир сессияси муҳокамасига бизнинг аниқ таклиф ёки ташаббусимиз олиб чиқилгани йўқ, лекин энди бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керакка ўхшайди, — деб жавоб берди у.

Қаранг, энди ўйлаб кўрмоқчи эмиш. Ахир, депутатликка номзоди қўйилганида сайловчиларга қандай ваъдалар берган эди? Шу пайтгача нима қилди, йиғилишларда қатнашиш билан бурчимни бажардим, деб ўйлаётганмикин?

Партиямизнинг яна бир вакили — «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман кенгаши раиси Болиқул Ҳайдаровнинг депутат сифатида қандай фаолият юритаётгани билан танишиш мақсадида у сайланган 2-Самарқанд сайлов округи ҳудудида, «Курувчилар» маҳалласида бўлдик. Афсуски, бу ерда ҳам саволларимиз жавобсиз қолди.

Депутатлик гуруҳининг режаси ва амалий ишлари билан қизиқдик. Аммо гуруҳ томонидан сайловчилар, партиямиз электоратининг ҳаётий манфаатларини ҳимоя этадиган бирор-бир масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари муҳокамасига киритилганига мисол топилмади. Сессияларга тайёргарлик кўриш, масалалар муҳокамаси, қарорларнинг қабул қилиниш жараёнига алоқадор ҳужжатларда ҳам депутатлик гуруҳи таклифи ёки ташаббусини кўрмадик.

Табиий саволлар туғилади: туманда муаммолар йўқми, партиямиз электоратини ҳеч қандай масала ўйлантирмаяптими, сессиялар муҳокамасига олиб чиқилиши зарур бўлган масалалар камми? Ахир, депутат деган шарафга сайловчилар ишончи туфайли эришилган-ку?! Сайловчилар улардан бизнинг манфаатимизни ҳимоя қилиш учун қандай таклиф, ташаббус билан чиқаяпсиз, деб сўрашга ҳақли-ку! Қани, ишончни оқлаш, вазифани виждонан адо этиш?! Айрим депутатларимиз, депутатлик гуруҳларимиз бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмоғи керак! Маълумки, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумлари, қатор йиғилишларида жойлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини кучайтириш, фаоллигини ошириш ҳақида қайта-қайта таклифлар айтилаяпти, талаблар қўйилаяпти.

Депутатлик гуруҳи фаол бўлса, энг аввало халққа сидқидилдан хизмат қилиб, сайловчилар ишончини, ҳурматини қозонади, бўлажак сайловларда имкониятимиз кенгаяди. Бошқача айтганда, депутатларимиз ўз бурчларини астойдил бажаришса, электорат манфаатини дадил ҳимоя этса, партиямиз тарафдорлари, хайрихоҳлари кўпаяди.

Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш учун, назаримизда, вилоят Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари билан ишлашни такомиллаштириш юзасидан вилоят партия кенгашлари масъулиятини кучайтириш чора-тадбирларини кўриш лозим. Вилоят, шаҳар, туман кенгашлари томонидан депутатлик гуруҳлари фаолияти бўйича мунтазам мониторинг олиб бориб, унинг натижалари партия сайланма органларининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Айни чоғда, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан сайловчилар учрашувларини изчил йўлга қўйиш, депутатлар ҳисоботларини эшитиш, муҳокама этиш ҳам депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мавжуд конларнинг 48 фоизи ўзлаштирилмоқда, 34 фоизи эса ўзлаштириш учун тайёрлаб қўйилган, қолганларида қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ тармоқда кенг кўламда олиб борилган тузилмавий ислоҳотлар натижасида 1995 йилдан бошлаб нефть импорти тўхтатилиб, Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришди. Энергетика мустақиллигини қўлга киритиш, собиқ иттифоқ давлатларини қамраб олган чуқур иқтисодий бўҳрон, иқтисодий ва савдо алоқаларининг узилиши, нарх-наво ва инфляциянинг ўсиши шароитида амалга оширилди. Мустақиллик йиллари давомида тармоқ тузилишини такомиллаштириш, уни техник қайта жиҳозлаш, қазиб олишни интенсивлаштириш, модернизациялаш, нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қилинган улкан ишлар нефть ва газ тармоғини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга имкон берди.

Фаолиятнинг маъмурий-буйруқбозликдан бозор механизмларига ўтилишини таъминловчи, тузилмавий қайта қуришларнинг босқичлари Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан 1992 йилда белгилаб берилган асосий учта стратегик масалани ҳал қилиш билан уйғунлаштирилди:

— республиканинг нефть мустақиллигига эришиш мақсадида нефть ва газ конденсатини қазиб олишни кўпайтириш;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш, нефть ва газни қайта ишлаш бўйича технологик жараёнларни чуқурлаштириш;

— Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғида янги конларни очиш йўли билан унинг хомашё базасини мустаҳкамлаш учун аввалambор суюқ углеводородлар захирасини кўпайтириш.

Аввалари тарқоқ бўлган нефть, газ, нефтьни қайта ишловчи ва бошқа тармоқларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, қудуқларни бурғулашдан бошлаб, тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган узлуксиз жараённи ягона ишлаб чиқариш мажмуасига бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1992 йилда «Ўзбекнефтьгаз» концерни ташкил қилинди. Кейинчалик концерн 1998 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Ушбу ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад — хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш бўйича ишларни фаоллаштириш, ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш, республика нефть ва газ саноатида бозор муносабатларини чуқурлаштиришдан иборат эди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси вертикал интеграцияланган, уч босқичли холдинг компания сифатида ташкил қилинган бўлиб, унинг корхоналари нефть-газ тармоғи билан боғлиқ барча турдаги фаолиятни амалга оширади.

Компания таркибида 6 та акциядорлик компанияси — «Ўзгеобурнефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзтрансгаз», «Ўзнефтмаҳсулот», «Ўзнефтгазмаш», «Ўзнефтгазқурилишинвест» ҳамда «Ўзташқинефтгаз» ОАЖ, «ЎзЛИТИнефтгаз» ОАЖ, шунингдек, «Ўзнефтгазалоқа» ШК, ИГИРНИГМ институти, фонтанга қарши ва газ хавфсизлигини таъминловчи ҳарбий-лаштирилган қисм, 2 та касб-ҳунар коллежи, «Ўзбекистон нефть ва гази» журнали фаолият кўрсатади.


Бугунги кунда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси кўп тармоқли йирик саноат-хўжалик мажмуаси бўлиб, нефть ва газ конларини қидириш, қазиб олиш, қайта ишлаш, маҳсулотларни сотиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш объектларини қуриш каби ишларни амалга оширади.

«Нефть ва газ саноатини 2002-2010 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепцияси»да геология-қидирув ишларини кучайтиришга, углеводород хомашёсини қазиб олишни кўпайтиришга, нефть ва газни қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга, газни транспортда ташиш, республика истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлашга, нефть ва газ тармоғи маҳсулотларининг экспортини оширишга йўналтирилган асосий стратегик вазифалар белгилаб олинган.

РАҚАМЛАР, ДАЛИЛЛАР

● Бугунги кунда нефтьни қайта ишлаш заводларининг йиллик нефть ва газ конденсатини қайта ишлашнинг умумий қуввати 11,2 млн. тоннани ташкил қилади.

● Ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўхшаши бўлмаган «Шўртангазкимё» мажмуаси каби ноёб корхонада тайёрланаётган суюлтирилган газ, турли маркадаги полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам талаб ошиб кетди.



● «Қандим-Хаузак-Шоди-Кўнғирот» лойиҳаси бўйича жами 180 та янги қудуқ бурғулаш ва узунлиги бир ярим минг километрдан ортиқ қувур ўтказиш режалаштирилган. Кон тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда ҳар йили 10 миллиард куб метрдан ортиқ газ қазиб олинади.

● «Газли-Саримой» газ қувури участкаси қурилиши» лойиҳаси бўйича 50,5 км. газ қувури ишга туширилди, 38 та қудуқ бурғуланди, шу жумладан, 8 таси ўзлаштириш қийин бўлган Шимолий Нишон, Қамаши, Бешкент, Шакарбулоқ конларида иш олиб бориш ва Тажрибасаноат эксплуатацияси даврида Кўкдумалоқ конида ёндош газларни утиллаштириш бўйича учта мослама, 184 км. электр узатиш линиялари ишга туширилди.

● Ўзбекистоннинг газни транспортда ташиш тизими алоҳида хусусиятига эга. У давлатлараро аҳамият касб этиб, тизим бўйича Ўзбекистоннинг табиий гази қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, шунингдек, шимолий йўналишга ҳам экспорт қилинади.

● Айнан нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига биз бугун республикамизнинг ривожланаётган саноати ва аҳолининг кескин ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга тўла эришмоқдамиз.

● Суюқ углеводородлар ва табиий газ қазиб чиқариш ҳажмининг ўсиши фаолияти учун асос бўлди.

Мамлакат ҳукумати томонидан чет эл инвестор-компаниялари билан ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини яратиш учун «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида» (2001 йил, декабрь), «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (янги таҳрирда, 2002 йил, декабрь) қонунлари қабул қилинди.

Ушбу қонунлар орқали чет эл компаниялари билан қўшма фаолият натижасида олинган маҳсулотни тақсимлаш тамойилларига ва ер ости бойликларидан фойдаланувчи — чет эл салоҳиятли компаниялари учун концессия тамойилларига асосланган, жаҳон тажрибасидан келиб чиққан халқаро ҳамкорликнинг шакллари тартибга солинади. Уларда конларни қидириш ва ўзлаштириш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга чегаралаш бўйича аниқ тадбирлар назарда тутилган бўлиб, углеводород конларидан ва бошқа минерал ресурслардан фойдаланишда инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг замонавий нефть-газ саноати — иқтисодиётнинг йирик тармоқларидан бўлиб, у — мамлакат энергетика базасининг энг муҳимларидан бири. Тармоқда катта илмий-техник салоҳият мавжуд. Мамлакат нур қалъаси, истиқлол машъаласи — ёқилғи-энергетика мажмуимиз ривожи давлатимиз куч-қудратини ошириб, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаверади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

МАМЛАКАТ НУР ҚАЛЪАСИ — ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛАСИ

ЎзХДП ҳаёти

МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юқори Чирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Бардонқўл» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган вилоят «Эндокринология» шифохонасида ёшлар маънавиятига доир тадбир бўлиб ўтди. Унда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари шифохонада меҳнат қилаётган ёш шифокор ва ҳамшираларга иштирок этишди.


Йиғилишда Ўзбекистон телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Ғафур Жамолов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати Сирожиддин Аъзамов, «Эндокринология» шифохонаси бош шифокори Бахтиёр Холовлар маданий ва маънавий меросимиз, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар юзасидан фикр алмашдилар.

Қизиқарли савол-жавобларга уланиб кетган тадбир сўнггида Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига янги аъзо бўлган 10 нафар шифокор ва ҳамшираларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ЁШЛАР ЭКОЛОГИК БОҒИ



Юртнинг ҳақиқий фарзанди эканлигингни ҳис қилиб, унинг гуллаб-яшнаши учун бор куч-ғайратингни аямай меҳнат қилиш қандай бахт. Ана шуни юрагига туккан жиззахлик «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари хайрли бир ишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Ёшлар йили муносабати билан шаҳар марказида «Ўрда» ёшлар экологик боғи барпо этиш ниҳоясига етди. Кўкламда ўн гектардан кенг майдонга дарахтлар экилди, кейин бу масканда ёшларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиши учун зарур шарт-шароит яратилди. Турли спорт тўгараклари, маданий тадбирлар ўтказиладиган бинолар бунёд этилди. Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қиладиган гулзорлару, соя-салқин хиёбонлар ташкил қилинди.

— Ёшлар боғини бунёд этишда 3000 нафарга яқин ёш партиядошларни бирлаштирган «Истиқбол» ёшлар қанотининг хизмати катта бўлди, — дейди «Истиқбол» етакчиси Шаҳноза Тангриева. — Биз боғнинг бир қисмини ўзимиз учун ажратиб, ҳар хил кўчатлар, гуллар ўтқаздик. Боғнинг ушбу қисмини ўз қарамоғимизга олишга, яна кўплаб мевали, манзарали дарахтлар экишга аҳд қилганмиз.

Ҳар гал бу масканга кўзинг тушганда, дилинг яйрайди. Очиғи, бундай эзгу ишларга жон куйдираётган ёшларга ҳавасинг келади.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 8 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1260,01
1 Англия фунт стерлинги	2594,14
1 Дания кронаси	275,47
1 БАА дирхами	357,19
1 АҚШ доллари	1311,96
1 Миср фунти	246,38
1 Исландия кронаси	16,97
1 Канада доллари	1286,87
1 Хитой юани	191,38
1 Малайзия ринггити	401,83
1 Польша злотийси	620,37
1 СДР	2146,85
1 Туркия лираси	1063,69
1 Швейцария франки	1274,99
1 ЕВРО	2053,35
10 Жанубий Корея вони	12,61
10 Япония иенаси	122,44
1 Россия рубли	55,80
1 Украина гривнаси	270,52

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МАРҒИЛОН БАХМАЛИ ДОВРУҒИ

қадим-қадим замонлардан бери дунёга кетган. Мустақиллик йилларида ҳунармандларга берилган эркинлик, имконият ва имтиёзлар туфайли бахмал ишлаб чиқариш тури кўпайиб, сифати ошиб бормоқда.

«Марғилон бахмали» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳам айни пайтда бобомерос анъаналарни давом эттириб, дадил одимлаётган корхоналардан бири. Бу ерда беш хил рангда тайёрланаётган бахмал газламасига талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Фирмада ҳозирги кунда 98 нафар хотин-қиз икки сменада меҳнат қилаётир. Ишчилар учун бу ерда иссиқ овқат, дам олиш хоналари ва бошқа барча шарт-шароитлар яратилган. Фирма биринчи чорақда 75 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотни харидорларга етказиб берди.

***Суратда:** ишчи Мафтуна Абдуллаева иш устида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.



Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги «Маржонабону» масъулияти чекланган жамиятида тикув цехи иш бошлади ва касб-ҳунар коллежларини битирган эллик нафардан зиёд ёш иш билан таъминланди.

ЁШЛАР УЧУН ИШ ЖОЙЛАРИ

Корхона раҳбари Раббим Саидазимовнинг айтишича, бу ерда кунига 15 минг дона турли ҳажмдаги қоп тикилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Тез орада хомашёни корхонанинг ўзида тайёрлаш мақсадида янги цех фаолиятини йўлга қўйиш, шу орқали ёшлар учун 300 та янги иш жойи яратиш мўлжалланмоқда.

Д.ЭСОНОВА, ЎзА мухбири

Истиқлол имкониятлари

САВОБНИНГ ЁШИ

халқимизнинг ёши билан тенг эканлигини исботлаб яшаётган замондошларимиздан бири ҳақида ҳикоя

Аслида савобнинг ўзи нима? Унинг катта-кичиги борми? Ўлчови, мезони қаерда?...

Одамзот пайдо бўлганидан бери муболаға эмас, хайр-савоб излайди. Уни гоҳи топади, гоҳи эса... Хўш, бир дардманд кўнгилга дардкаш бўлмоқ ҳам савобми? Ёхуд каттакон кўчадан ўтолмай турган ногирон одамнинг қўлтиғидан тутиб, ўтказиб қўймоқчи? Чанқаган кишига бир пиёла сув тутқазмоқ-чи? Буларнинг ҳаммаси битта сўз билан айтадиган бўлсак, САВОБ!

Ана шу хайрли амалга қўл уриш осонми?

Бахтиёр ЖУМАЕВ:

— Бу ҳар кимнинг ўзига, муҳит ва тарбияга боғлиқ. Мен хизмат юзасидан кўп туманларга бораман. Қишлоқ кўчаларида тўп-тўп бўлиб турган ёшларни кўраман. Улар билан эринмай гаплашаман. Тўғри, орасида ишёқмаслари ҳам бор, аммо аксарияти меҳнатга чанқоқ, ишбилармон. Фақат тил топишиш керак. Мен бугунги кунда шундай йигитларнинг юзга яқинини муқим иш билан таъминлашга эришдим. Ҳозир ҳаммасининг рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлиб қолди. Энг муҳими, элнинг корига яраяпти...

— Очиғи, мен Бахтиёржонни танимасдим. Савобталаблигини эшитиб юрардим, — дейди Денов туманидаги «Холчаён» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида истиқомат қилувчи I-гуруҳ ногирони Абдуваҳоб МУҲАММАДИЕВ. — Ўтган йилнинг охирлари эди. Бир куни оқсоқолимиз келиб «сизни бир йигит йўқлаб кепти», деб қолди. Зўрға судралиб эшикка бордим-да, салом-алик қилдим. Қарасам, қўлида ногиронлар аравачасини қўлтиқлаб ичкарига кирди. Маҳалладошларимгаям айтмаган экан. Бир жойда ётавериб, зерикиб кетгандим. Кўзимда ёш билан раҳмат айтсам, у сал хижолат тортиб «укажон, насиб этса отдай бўлиб тузалиб кетасиз, тўйларга айтсангиз келамиз» дея чиқиб кетди...

Бу қаҳрамонимизнинг элдошларига кўрсатаётган эзгу амалларидан биттаси холос. У билан суҳбатлашганимда ҳам бу ҳақда ёзмаслигимни қаттиқ тайинлаганди. «Миннат бўлиб қолади, элга ошкор қилиш учун бундай ишларни қилаётганим йўқ» деганди.

Бахтиёр Жумаев чинакамига бугуннинг одами. Ғайратли, ташаббускор меҳр-оқибатли. У «Нуробод», «Ёқут мевали АГРС», «Янгиобод» деб номланган хўжаликларни ташкил этганидан бери Шўрчи, Музработ ва Узун туманларидаги юздан кўпроқ ёшлар учун иш ўринлари очилди. Тоғли қишлоқлар аҳолисини сув билан таъминлаш, йўлларини таъмирлаш ишларига ҳам қўлидан келгунича кўмаклашмоқда.

Саховатпеша юртдошимиз айни кунларда Шўрчи туманининг «Жойилма» маҳалласида пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган заводни фойдаланишга топширмоқчи. 118 минг АҚШ доллари-лик замонавий линия бир соатда 9-12 минг дона қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Қолаверса, қишлоқ ёшларидан яна 60 нафари иш билан таъминланади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАСИ

«Самарқандкимё» очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхоналар сирасига киради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг республикамизда фосфорит ўғитларни ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан бу ерга 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилгани корхонанинг юқори қувват билан ишлашини таъминламоқда. Натижада ўтган йили корхонада юз минг тонна нитрокальций фосфат (нитрофос) ўғити ишлаб чиқаришга эришилди.

Айни кунда корхона цехларида иш қизғин. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида бу ерда 15 минг тоннадан зиёд нитрофос тайёрланиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларига етказиб берилди. Муҳими, корхонада ишлаб чиқарилаётган кимёвий ўғит республикамизнинг барча вилоятларига етказиб берилмоқда ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Украина каби давлатларга экспорт ҳам қилинмоқда.

Суратларда: бош мутахассис Тўхтамурод Шарипов ва цех бошлиғи Ўткир Сабоев; техник назорат бўлими таҳлилчиси Гулнора Бекмуродова.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Солиқ ва ҳаёт

СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБ

инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилибгина қолмай, балки иқтисодий барқарорликка эришишда ҳам муҳим омил бўлмоқда

Мамлакатимизда янги Солиқ кодексининг амалга киритилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш имкониятларини оширди. Биргина Жондор туманида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони 601 нафарга етгани ва уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун барча шароитлар муҳайё этилгани фикримизнинг далилидир.

— Бунга асосан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш орқали эришдик, — дейди туман ДСИ шўъба бошлиғи Илҳом Қўшшаев. — Тизимдаги ислоҳотлар, янги солиқ кодексининг мазмун-моҳияти, солиқ солишнинг аниқлиги, адолатлилиги, мажбурийлиги, солиқларни ҳисоблашда соддалаштирилган тартибнинг қулай томонлари жойларда ўтказилган семинарларда барчага тушунтирилди. Самараси эса яққол кўзга ташланмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойида ундирилган даромад солиғи режадагидан анча кўп — 74934,9 минг сўмни ташкил этди. Ер, мол-мулк солиғи, пенсия жамғармаси бадаллари режаси ҳам ошириб адо этилди...

Дарвоқе, бугунга келиб солиқ тўловчилар нафақат солиқ сиёсатига оид янгилик ва ўзгаришлар ҳамда солиқ ставкаларидаги қулайликлардан хабардор бўлибгина қолмай, балки ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини ҳам тўла англамоқдалар. Солиқ юкининг камайтирилиши фуқарога нима беради деган саволга одамлар атрофлича жавоб топдилар... Илгари туманда йилига 600 миллион сўм ортиқча солиқ тўлатилган бўлса, энди бу маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолмоқда.

Афсуски, бу имкониятлардан тўғри фойдаланиб, иш юритиш ўрнига ноқонуний йўллардан юраётганлар учраб турибди. Шу йилнинг ўтган давр мобайнида ДСИ ходимлари томонидан назорат тартибида ўтказилган рейдлар чоғида сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилди. Бозор ва чекка қишлоқлар ҳудудида сифат сертификати, божхона ҳужжатлари бўлмаган 2 миллион 190 минг сўмлик товар моддий бойликлари мусодара қилинди. Жумладан, туманнинг Сепатта қишлоғида яшовчи фуқаро Бобомурод Тўймуродов ҳеч қандай ҳужжатсиз 350 минг сўмлик доридармон воситаларини сотувга чиқарганда қўлга олинди.

Яна шундай кимсалар борки, улар солиқлар мамлакат иқтисодиёти таянчи эканлигини била туриб, қинғир ишларга қўл урмоқдалар. Тумандаги Алели қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Бешим Янгиев пахтани қайта ишлайдиган цехини яширин юритиб, солиқ тўлашни асло хаёлига келтирмаган. Сепатталик Мукаррам Соттиева эса ундан ибрат олган. Ҳар иккала «тадбиркор» қонун олдида жавоб берди. Сайфулла Шодиев, Комил Раҳматов сингари учарлар эса аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатсиз фаолият кўрсатиб келишган. Бундай тадбиркорлик учун махсус рухсатнома ва бошқа ҳужжатлар кераклигини улар яхши билишарди. Аммо солиқдан қочиб, кўпроқ даромад топишни ўйлашган. Аслида эса белгиланган тартиб бўйича ҳалол, тўғри ишлаганида бошига ташвиш тушмасди, иши баракали бўларди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисод ва ислоҳот

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНОТИ

тижорат банклари капиталлашув даражаси ошишининг қаноти, — дейишмоқда андижонлик банк ходимлари

Андижон вилоят банк-молия соҳасининг барча тизимлари жамоалари ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят Бош бошқармаси биринчи навбатда молиявий тадбиркорликни таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва улар эркинлигини мустаҳкамлаш йўлида ибратли чора-тадбирларни амалга оширмоқдаки, бу нафақат олдинги йиллар натижаларида, балки жорий йилнинг беш ойлик якунларида ҳам яққол кўринди.

Жумладан, хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори кескин ортди. Айниқса, банк муассасалари кичик бизнес субъектларини ўз маблағлари ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баробаридан зиёд кредитлар ажратди. Тижорат банклари бу кредитларнинг 41,4 фоизини қисқа муддатли, 58,6 фоизини эса узоқ муддатли кредитлар тариқасида бердилар.

Вилоятда чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларини автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларини, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилувчи пунктларни терминаллар билан таъминлаш юзасидан ибратли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, терминаллар билан жиҳозланган савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари сонини кўпайтириш, корхона ҳамда ташкилотларга ойлик иш ҳақларини пластик карточкалар орқали тўланишини жорий қилиш бўйича ҳам кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда.

Тижорат банклари томонидан самарали пул-кредит сиёсатини юритиш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга кўпроқ жалб қилиш ҳисобига банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, уларнинг кредит бериш имкониятлари ҳамда инвестиция жараёнидаги иштирокларини кенгайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ёш оилаларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш мақсадида «Ипотека жамғармаси» маблағлари ҳисобидан вилоятга 1 млрд. 253 млн. сўм маблағ ажратилди. «Ипотека банк» АТИБ кредити ресурслари ҳисобидан 2 та 32 хонадонли кўп қаватли турар-жой биноси қурилмоқда. Банкнинг вилоят филиали томонидан буюртмачилар билан уй-жой қуриш учун 1 млрд. 604 млн. сўмлик кредит шартномалари имзоланди.

Банк кредит ресурслари ҳисобидан турар-жой биноси қурилиши учун Андижон шаҳридаги Шимолий кичик даҳа ҳудудида ҳар бирининг ўлчами 13.2x62.4 метрдан иборат ер майдони ажратилиши учун қарор қабул қилинган. Кредит олган буюртмачилар «Андижон кўчма механизациялашган корхонаси» МЧЖ билан уй-жой қуриш учун 802.0 млн. сўмга, «Андижон қурилиш монтаж бошқармаси» билан 802.0 млн. сўмга кредит шартномалари имзолашган.

Банк бўлими бугунги кунга қадар қурилиш-монтаж ишлари учун «Андижон кўчма механизациялашган корхонаси» МЧЖга 412.0 млн. сўм ва «Андижон қурилиш монтаж бошқармаси»га 348.4 млн. сўм — жами 760.4 млн. сўм кредит маблағлари ажратди. Мазкур қурилиш ташкилотлари бу ишларни шу йилнинг август ойи охирига қадар — мустақилликнинг 17 йиллиги байрами арафасида якунлашни кўзда тутган.

«Ипотека банк» АТИБ вилоят филиали томонидан 2008 йилнинг 5 ойи давомида ёш оилаларга ажратилган истеъмол ва ипотека кредитлари (1 июнь ҳолатига) 217.1 млн. сўмни ташкил этди. Бу маблағ асосан ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари учун берилди. Андижон вилоят ҳокимлиги тавсияномасига кўра ёш оилаларга уй-жой қуриш, уларни реконструкция қилиш ва якка тартибда уй-жой сотиб олишлари учун — жами 44 нафар ёш оилаларга 770.4 млн. сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Ёш оилаларнинг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида 32 нафар оилага мебель ва маиший-техник буюмлари сотиб олишлари мақсадида 38.8 млн. сўм миқдорида истеъмол кредити берилди. Ўз маблағлари ҳисобидан 7 та ёш оилаларга 57.8 млн. сўм ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш, тикувчилик дастгоҳлари, чорвачилик ускуналари сотиб олишлари ва савдо-сотиқ қилишлари учун микрокредитлар ҳам ажратди...

Бир сўз билан айтганда, Андижон вилояти банк хизмати жамоалари банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш учун молиявий барқарорлик йўлидан ишонч билан одимламоқдалар.

Зулхумор ЎРОЛОВА t

РАҚАМЛАР, ДАЛИЛЛАР

- **2008 йилнинг беш ойи давомида тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизлар учун ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120 фоиздан зиёд кредитлар ажратилди.**
- **Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоиз кўп бўлди.**
- **Вилоятда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан жойларда 1067 тадан ортиқ банк терминаллари ўрнатилди ёки улар йил бошига нисбатан 38 тага кўпайди.**
- **Вилоятдаги йирик корхоналарда 7 та банкомат ташкил этилиб, ўтган ойлар давомида 239 минг 142 донадан ортиқ (йил бошига нисбатан 108 фоиз ўсишда) пластик карточкалар эмиссия қилинди.**

XORIJDA

САММИТ ИШ БОШЛАДИ

Япониянинг Ҳоккайдо оролида «Катта саккизлик» саммити иш бошлади, деб хабар беради РИА Новости. Унда Россия, АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Италия, Канада, Япония ва яна ривожланаётган йигирма икки давлат раҳбари иштирок этмоқда. 7-9 июль кунлари бўлиб ўтадиган саммит нефть нархининг кўтарилиши ва глобал исиш жараёни мавзусига бағишланади. Шунингдек, унда халқаро терроризм, Эрон ва Шимолий Кореянинг ядро дастури муҳокама этилади. Душанба куни «саккизлик» Африкадаги вазият, жумладан, минтақадаги давлатларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масаласини муҳокама қилди.

РОССИЯ-АҚШ САРМОЯ ҲАЖМИНИ КЎПАЙТИРИШ ТАРАФДОРИ



Россия ва АҚШ президентлари тижорат-иқтисодий алоқалар, сармоя ва сиёсий муносабатларни барқарорлаштириш масалаларини муҳокама этди, деб хабар беради РИА Новости. Икки томонлама тижорат-иқтисодий алоқалар ҳақида сўз борганда томонлар сармоялар ҳажмини кўпайтириш фикрини билдирди. Россия президенти Дмитрий Медведевнинг фикрича, Россия-АҚШ муносабатлари ижобий мувозанатда. Президент, шунингдек, давлатлар ўртасидаги муносабатнинг камчиликлари акс этган Сочи декларацияси устида иш олиб боришга тайёр эканини айтди.

КАСТРО ИСЁНЧИЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

Кубанинг собиқ президенти Фидель Кастро «Колумбиянинг инқилобий қуролланган кучлари»дан иборат колумбиялик исёнчиларни қолган асирларни озод қилишга чақирди, деб хабар беради BBC. Якшанба куни Колумбиянинг Granma газетаси Кастронинг исёнчиларни қаттиқ танқид остига олиб айтган фикрларини чоп этди.

ЭЛЧИХОНА ОЛДИДАГИ ПОРТЛАШ



Афғонистон пойтахти Қобулдаги Ҳиндистон элчихонаси ёнида портлаш содир этилди, деб хабар беради AFP. Сўнгги маълумотларга кўра, террорчилик ҳаракати оқибатида 28 нафар киши ҳалок бўлиб, 140 нафар одам жароҳатланган. Террорчи миналаштирилган автомобилда Афғонистон ички ишлар вазирлиги қаршисида жойлашган элчихонага кирган. Reuters хабарига кўра, портлаш вақти элчихона қаршисида виза олиш учун навбатда турган одамлар кўп бўлган. Қўпорувчилик учун ҳеч бир террорчи гуруҳ жавобгарликни ўз зиммасига олмади.

ОЛТИН КОНИ ТОПИЛДИ



Ирландиянинг «Конрой даймондс энд голд» компанияси мамлакатнинг Монахан графлигида ҳажми бир миллион унциядан зиёд олтин конини аниқлади.

Компания раҳбари Ричард Конройнинг сўзларига кўра, ушбу кон катталиги бўйича Буюк Британияда биринчи ўринда туради. У сўнгги ўн йил ичида топилган илк олтин конидир.

ҚУТҚАРУВ ЖИЛЕТИ

РАТА-ТАССнинг хабар беришича, Нью-Йоркда ўтказилган кимошди савдосида машҳур «Титаник» кемасининг қутқарув жилети 68,5 минг АҚШ долларига сотилган. Маълумотларга қараганда, орадан салкам бир аср ўтган бўлса-да, ушбу жилет яхши ҳолатда сақланган. Уни ўша машъум воқеадан сўнг канадалик фуқаро соҳил бўйидан топиб олган экан.

Хабарларга кўра, 1912 йил апрель ойида ҳалокатга учраган улкан сув транспортига тегишли жами олтита қутқарув жилети сақланиб қолган. Улардан бири ўтган йили Лондонда ўтказилган кимошди савдосида қарийб бир юз йигирма минг АҚШ долларига сотилган.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ



Германияда чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Энди жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилади, тамаки маҳсулотлари савдоси кучли назорат остига олинади. Чекувчилар учун эса жойларда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган махсус чекиш хоналари ташкил этилади. Қонунни бузганларга 5 евродан 5000 еврогача миқдорида жарима солинади.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мамлакатда чекиш оқибатида келиб чиқадиган касалликдан ҳар йили бир юз эллик мингга яқин киши ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, мазкур янги қонун табиатни ва аҳоли саломатлигини асрашга хизмат қилади.

Айни вақтда жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Япония, Швеция, Норвегия, Италия, Франция, Испания, Буюк Британия, Мексика, Туркия, Бразилия каби давлатларда амал қилмоқда.

Бугуннинг одамлари

«БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ»

ёки фалокат туфайли ота-онасиз қолган уч нафар норасидани ўз қарамоғларига олиб, оқ ювиб, оқ тараётган арнасойлик Шавкат ака ва Ҳурматой опа Эрматовлар ҳақида оддий ҳақиқат

Туман марказидаги Дўстлик кўчасида ям-яшил дов-дарахтлар билан ўралган бир хонадон бор. Ён-атрофидаги уйлардан деярли фарқ қилмайдиган бу ҳовли-жойда Шавкат ака ва Ҳурматой опа оиласи яшайди. Дарвозадан киришингиз биланоқ кўзингиз анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахтларга тушади. Ораста-лик, саранжон-саришталикдан дилингиз яйрайди. Шу он файзли, фазилатли, фаришта-ли хонадонга келиб қолганли-гингизни дилдан ҳис қиласиз.

— Рўзғоримиз каттагина, — дейди оила бошлиғи, Йўлдош Зоҳидов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хизматчиси Шавкат Эрматов. — Саккиз нафар фарзандни вояга етказаяпмиз. Тўнғичимиз Маликани икки йил аввал турмушга узатгандик. Мана, неварали ҳам бўлдик. Қолган ети-таси ҳали бағримизда. Бировдан ортиқ, бировдан кам, дегандай эру хотин уларни тарбиялаяпмиз.

Бир қарашда оддийгина ўзбек оиласига ўхшайди. Лекин ана шу оддийлик ва ҳокисорлик замирида миллатимизга хос, миллийлигимизга мос бўлган фазилатлар — одамийлик, меҳру мурувват, саховат, бағрикенглик яшаринганлигини илғаб олиш бироз мушкул. Биз ҳам буни бошида сезмадик. Бор ҳақиқатни қўшниларидан эшитганимиздан сўнг билдик. Шундан кейингина ҳаётда ўзгаларга яхшилик қилиб яшашни умрининг маз-мунига айлантирган катта қалб эгалари, саховатли инсонлар билан ёнма-ён яшаётганимиздан фахрланиш ҳиссини туйдик.

Воқеа бундай бўлган экан. Давлат билан Солиҳанинг оиласига кўпчиликнинг ҳавоси келарди. Улар йиллар ўтиб, икки ўғил ва бир қизли бўлишади. Ана шундай бахтли кунларнинг бирида тўсатдан фалокат рўй бериб, газ тармоғидаги носозлик туфайли тунда эр-хотин газдан заҳарланиб, бу ёруғ оламни тарк этишади. Бошқа хонада ухлаётган болаларни эса қўшнилар кутқаришади. Шундай қилиб, уч нафар норасида етим қолади.

Каттаси иккинчи синфда ўқиётган, кичиги эса икки ёшга тўлаётган болаларнинг аҳволини бир тасаввур қилинг-а? Тўғри, қўни-қўшни, қариндошуруғ, маҳалла-кўй уларни ёлғиз ташлаб қўймади. Иссиқ-совуғидан, ҳол-аҳволидан туну кун хабардор бўлиб турди. Минг афсуски, бу ота-она меҳри ўрнини босмайди.

Шундай кунларнинг бирида Шавкат ака билан Ҳурматой опа кўп қатори уларни кўргани боришади. Уст-бошлари кир-чир, сочлари тўзғиган, кўзлари киртайган. Буни кўриб, ҳар иккисининг ҳам юраклари эзилиб кетади. Дастлаб Ҳурматой опадан фикр чиқади:

— Дадаси, шу болаларни уйга олиб кетсак, нима дейсиз? Бешта боламиз саккизта бўлади.

Бу таклиф Шавкат акага ҳам маъқул тушади. Шу кунниг ўзидаёқ уч норасидани хонадонларига олиб бориб, ювинтиришади, кийинтиришади, қоринларини тўйғазишади. Кейин эса уларни ўз фарзандлари билан таништириб, «ака-ука, опа-сингил бўлиб яшанглар», дея қайта-қайта уқтиришади...

Шу воқеага ҳам, мана, ўн йил бўлибди. Ўшанда иккинчи синфда ўқиётган Улуғбек бугун ўн тўққиз ёшли навқирон йигит. Ойбек еттинчи синфни битирди, кичкина Наргиза эса олтинчига кўчди.

— Мен онаман, оналар учун боланинг бегонаси бўлмайди, — дейди Ҳурматой опа.

Жўнгина туюлган бу гапнинг замирида ўзбекона қалб, бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатлар мужассамлигини англайсан.

— Ҳарбий хизматга бориб, офицер бўлмоқчиман, — дейди Улуғбек. — Юртимни, халқимни ҳимоя қиламан. Мени ва укаларимни ҳеч нарсага зориқтирмай ўстирган ота-онам биздан фахрланишларини истайман.

Бу хонадондан ёруғ туйғулар, илиқ таассуротлар билан қайтар эканмиз, меҳр-мурувват, олийҳиматликни, ҳаётга муносабатни Шавкат акаю Ҳурматой опадек инсонлардан ўрганишимиз керак, деган ўйга бордик.

Доногул ЖЎРАЕВА,
журналист



Суратда: *«Уларнинг ҳаммаси менинг болаларим», дейди Ҳурматой опа Эрматова.*
Муаллиф олган сурат

Футбол

ОСИЁ КУБОГИ — 2011: РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Хабарингиз бор, футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати 2011 йили Доха (Қатар)да бўлиб ўтади. Унда қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси ғолиблик учун майдонга тушади.

Куни кеча мазкур мусобақанинг саралаш учрашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси «С» гуруҳидан жой олди. Ҳамюртларимиз ушбу гуруҳда Осиё чемпионати финал босқичига бериладиган икки йўлланма учун Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия ҳамда Ҳиндистон терма жамоалари билан уй-сафар тизими асосида баҳс юритишади.

Саралаш босқичининг қолган гуруҳлари эса қуйидагича:

«А» гуруҳи: Япония, Баҳрайн, Гонконг, Яман
«В» гуруҳи: Австралия, «Индонезия, Уммон, Қувайт
«D» гуруҳи: Вьетнам, Хитой, Сурия, Ливан
«Е» гуруҳи: Эрон, Таиланд, Иордания, Сингапур.

Мусобақа низомига мувофиқ, 2007 йилги Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорлари Ироқ (чемпион), Саудия Арабистони (финалчи), Жанубий Корея (бронза медали соҳиби) футболчилари ва мезбонлар — Қатар терма жамоаси финал босқичига тўғридан-тўғри йўлланма олишади. Шунингдек, ОФҚ чақирув кубоги баҳсларининг 2008 ҳамда 2010 йилги ғолиблари ҳам навбатдаги Осиё чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Қуръа натижаларидан сўнг, ОФҚ ўйинлар жадвалини эълон қилди. Таъкидлаш лозимки, шу пайтгача халқаро мавсум бу қадар эрта бошланмаган эди. Бу галги мусобақага 2009 йил 14 январь куни старт берилади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, агар янги муддат икки томонни ҳам қониқтирса, жамоалар ўзаро ўйинлар муддатини кўчирилиши борасида келишишлари мумкин. Бу борада аввало турлар тартиби бузилмаслиги зарур. Яъни масалан, 1-тур учрашувлари ўтказилмасдан туриб, 2-тур ўйинларига рухсат берилмайди. Бундан ташқари, жамоалардан бири 2009 йилнинг 14 ноябрига белгиланган жаҳон чемпионати саралаш босқичида Океания вакили билан плей-офф баҳсида иштирок этадиган бўлса, унинг учинчи ва тўртинчи турдаги ўйинлари мос равишда 2010 йилнинг 20 ва 27 январь кунларига кўчирилиши мумкин.

2011 йилги Осиё чемпионатининг саралаш босқичи доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўрин олган «С» гуруҳи учрашувлари эса қуйидаги муддатларга белгиланган:

1-тур. 2009 йил 14 январь. Ўзбекистон — Ҳиндистон, Малайзия — БАА
2-тур. 2009 йил 28 январь. БАА — Ўзбекистон, Ҳиндистон — Малайзия
3-тур. 2009 йил 14 ноябрь. Ўзбекистон — Малайзия, Ҳиндистон — БАА
4-тур. 2009 йил 18 ноябрь. Малайзия — Ўзбекистон, БАА — Ҳиндистон
5-тур. 2010 йил 6 январь. Ҳиндистон — Ўзбекистон, БАА — Малайзия
6-тур. 2010 йил 3 март. Ўзбекистон — БАА, Малайзия — Ҳиндистон.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ

ЭРКИН АКАНИНГ КУТУБХОНАСИ

Эркин Кенжаев Қарши туманидаги «Мустақиллик» қишлоғида истиқомат қилади. Айни пайтда турмуш ўртоғи Дилором опа билан олти нафар фарзанди эъзозида. Ўн тўрт нафар невараниng севимли бобоси.


Эркин ака Қарши педагогика коллежида қирқ йил ёш авлодга таълим-тарбия берди. Нафақага чиққанидан сўнг коллеж ҳудудида музей ташкил этишга киришди. Шу билан бирга уйида кутубхона ташкил этди.

— Ёшларга таълим бериш билан бирга узоқ йиллардан буён турли хилдаги китоблар тўплашга қизиқаман, — дейди Эркин ака. — Ҳозирги кунда оилавий кутубхонамиз фондида беш мингдан ортиқ китоб мавжуд.

Бу мўъжазгина кутубхонанинг ўз ўқувчилари бор. Маҳалла китобсеварлари, шу жумладан қишлоқдаги 27-ўрта мактабнинг ўқитувчилари ва ўқувчилари тез-тез келиб туришади. Улар ўзларини қизиқтирган турли хил китобларни шу ердан топишади.

Суратда: *Эркин Кенжаев тўртинчи синф ўқувчиси Жавлонбекка шахмат сирларини ўргатмоқда.*

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.



Қилмиш — қидирмиш

«ҚОРА ДОРИ»

тубсиз жарликка етаклайди

— Эссиз, адашдим, — берди у панжара орасидан суд залида ўтирган оиласи, фарзандлари ва қариндошларига маъюс нигоҳ ташларкан. — Агар кўчада ётган ўша қора елим халтани қўлимга олмаганимда, текин пул топиш илинжида уни сотишга ҳаракат қилмаганимда, бу савдолар бошимга тушмасди-я. Йигит кишига ўлим йўқ, ўзини ўзи тиғга уради, деганлари шу бўлса керак...

Ўша қурмағур халтани очиб кўргани, унинг ичидаги иккиуч қисм оқ кукунни кўриб, гиёҳвандлик воситаси «героин» эканини билгани ва ҳеч ким кўрмадими, деб атрофга аланглаб, уни пинжига беркитганини эслади. Ана шу воқеаларни хотирларкан, беихтиёр ўзини ўзи сўроққа тутарди: «Қозоғистон чегарасига яқин жойда менга дуч келган ўша кимса, нима сабабдан сўрашмай, халтани ташлаб қочиб кетди? Мен эса худо берди деб, ҳовликиб, маҳаллага кираверишдаги кўприк остига халтани яширганим рост. Мўмай пул топаман, деб гуруҳга қўшилиб қолдим. Оқибати хунук бўлишини ўйлаб ҳам кўрмабман.

Топган одамимни қара. Келиб-келиб, трактор заводида ишлаб, қамалиб чиққан синфдошим Мавлонни шерик қилибман-а. Унинг бундай ишларда тажрибаси бор бўлиши керак, деб ўйлаган эдим-да. У бўлса, бир танишда «қораси»дан бор, мижоз топсанг бир нимали бўлиб қоласан, деб, Садирга ёрилган. Садир бўлса, ҳамкасби завод ишчиси Нодирнинг қулоғига шипшиган. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек силлиқ кетаётган эди. Келишилган жойда учрашган Мавлон мендан олган 130-140 грамм «дори»ни Садирга бериб, айтганимдек ҳар граммини 30 эмас, 26 мингдан пуллади. Унинг сўзларига қараганда, Садир фақат 100 грамм «қора дори» учун 2 миллион сўм ундирган. Чунки, «харидор»лар қолган 600 мингини яна 200 грамм олиб келганингда оласан, дейишган. Мавлон 550 минг сўмни ўз ҳиссаси учун олиб, қолганини менга етказди»...

Садир мурожаат қилган Нодир трактор заводининг ҳалол ишчиларидан бўлиб, у «героин» каби қонунга хилоф ашёлар билан муомалада бўлиш оқибатини тушуниб, бу ҳақда орган ходимларини хабардор қилганди. Шундан кейин ички ишлар ходимлари томонидан ишлаб чиқилган тадбир бўйича «қора дори» эгасига бериладиган ўша пулларга кимёвий ишлов берилди.

Мавлон қўлга олиниб, холислар иштирокида тинтув қилинганда, унинг «дублёнка» камзулининг ўнг чўнтагидан 250 грамм гиёҳвандлик воситаси ҳамда ишлов берилган 79 минг сўм пул топилди. Мирзо Улуғбек тумани, «Шедрий Кабачок» кафеси ёнида қўлга олинган Хуршиднинг ёнидан эса ўша хилдаги пулдан 50 минг сўм чиққан. Садирни Қибрайдаги Навоий кўчасида ушлаб, тинтув қилинганда ёнидан 35,7 грамм гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланган.

Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини, деганларидек, Хуршид ўша пайтда ҳовликиб, кўзига оловдек кўринган қора халтадаги гиёҳвандлик воситасини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб бориб берганида уч оғайни «ботир»лар бошига бу кулфат тушмасди. Ахир, машойихлар фақат меҳнатдан келган бойлик юқади, деб бекорга айтмаган. Мана энди суднинг ҳукмига кўра, Садир Холиқов, Мавлон Муродов ва Хуршид Санжаровлар узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди. «Қора дори» инсонни фақат фалокатга, тубсиз жарликка етаклайди.

Алишер СОДИҚОВ,
Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг судьяси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Хитой Тараққиёт банки ва Корея Эксимбанкининг кредит йўналишларини жалб этган ҳолда шу мамлакатларнинг замонавий технологиялари ва ускуналарини сотиб олиш учун кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.

ХИТОЙ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ КРЕДИТ ЙЎНАЛИШИ:

— банк томонидан импорт контрактларини молиялаш 100 минг АҚШ долларидан 1 млн. АҚШ долларигача (импорт контракти қийматининг 85%гача);
— кредит муддати — 9 йилгача, жумладан 2 йиллик имтиёзли давр;
— ўзига тегишли маблағлар иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25%.

КОРЕЯ ЭКСИМБАНКИНИНГ КРЕДИТ ЙЎНАЛИШИ:

— банк томонидан импорт контрактларини молиялаш — индивидуал асосда (импорт контракти қийматининг 85%гача);
— кредит муддати — 2 йилдан 5 йилгача;
— ўзига тегишли маблағлар иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25%.

МИЛЛИЙ БАНК: БИЗНЕСИНГИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН СИЗ БИЛАН БИРГА!

Қўшимча маълумот олиш учун 235-38-52, 235-17-02 рақамли телефонлар орқали Кичик бизнес бош бошқармасига ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг.
www.nbu.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

хизмат омборида қулайлик яратиш мақсадида йиғма стеллажлар харид қилиш ҳамда Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Навоий» божхона постига хизмат зарурияти туфайли дизайнерлик безак ишларини амалга ошириш бўйича тендер эълон қилади.

Таклифлар 15 кун давомида қабул қилинади.
Манзил: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3. Тел: 120-76-00, ички 20-27, 26-05.

Шаҳрисабз туман ХТБга қарашли 32-ўрта мактаб томонидан 2005 йилда Шохназаров Акрам Абдураззоқович номига берилган URSHA № 0008096 рақамли 11 йиллик маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda